Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, жаҳон таърибасига кўра ҳар қандай банкнинг салохияти, энг аввало унинг капиталли, ресурс ба-заси ва активлари салмоғи билан баҳоланади. Банкнинг ресурс ба-заси эса асосан банк капиталли ҳамда юридик ва жисмоний шах-сларнинг банклардаги депозитла-ридан ташқил топади. Бундан қўриш мумкинки, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир ҳўжалик юри-тувчи соҳабанд энг асосий сармоя-дор ҳисобланади. Уларнинг банк-лардаги маблағлари қанча қўл бўлса, банкнинг кредит бериш, ин-вестиция қилиш салохияти ҳам шун-чалик қучли ва мустаҳкам бўлади.

Шу боис Президентимиз банк-ларнинг капиталлашувини янада

жалб қилиш учун қўшимча акция-лар чиқариб, фонд бозорига фаол жойлаштириш ҳисобига банклар-нинг капиталлашуви даражасини оширишға кенг йўл очиб берди.

Қолаверса, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланishiни яна-да қисқартириш, миқозларни би-ринчи талаби билан зулуксиз таъ-минлаш, мини-банклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томони-дан кўрсатиляётган хизмат турла-рини кўпайтириб, миқозларға хиз-мат кўрсатиш сифатини янада оширишға имкон яратади.

Ушбу қарорнинг яна бир муҳим жиҳати, тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январига қадар даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тор-тиладиган базани тақсидланган мақсадида дастурларға мувофиқ иқтисодиётнинг устувор тармоқла-рида ишлаб чиқаришни модерни-зациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан ортқ муд-датта берилган кредитлардан олин-

лари тўғрисида»ги қарорига асо-сан берилган боҳона солиқ им-тиёзларининг амал қилиш мудда-ти 2010 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Шу ўринда савол туғилиши та-бий. Ҳўш, мазкур қарор оидий одам-ларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшиланишиға қандай фой-даси бор? Албатта, ҳар қандай дав-латда банклар ва банк тизимиға иқтисодиётнинг қон томири сифа-тида қаралади. Юрак ва қон томи-рининг тўлақонли ишлаши ҳар қандай организмнинг ҳар бир бўғиниға ижобий таъсири бўлгани баки, банк тизимини янада эркинлаштириш ёхуд капиталлашуви даражасини ошириш нафақат бир иқтисодий тизимнинг ривожланишиға, балки жамият ва аҳоли фаровонлигининг ошишиға, пировардида оидий бир фуқаронинг ҳам турмуш тарзининг яхшилани-шиға оидий келади.

Баҳодир ХАМИДОВ, Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси

Х.Раҳмонов нима қиларини билмай боши қотди. Қаёқдан ҳам ўша ишга аралашди. Мана энди ташвиш устига ташвиш чиқяпти. Оғайниси ўзи билан етаклаб келган одамни ишга жойлаштириб қўйинг, деса рози бўла қолибди. Ҳаммаси шундан бошланди.

А.Абдураҳмонов таниши Ю.Намазовга ёрдам бера оладиган одам бу Х.Раҳмонов деб ўйлади. Шу сабабдан уни Х.Раҳмоновнинг уйига олиб келди.

— Ака, бу киши вилоят автомашиналарга лицензия бериш бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлаганлар. Штат қисқартирилгандан сўнг ишдан бўшатилди. Агар илҳом бўлса, шу кишини ишга қайта тиклашнига ёрдам берсангиз. Хизматингиз эвазига қуруқ қўймайди, — дея мақсадини билдирди А.Абдураҳмонов.

Бу гапга Ю.Намазов қўшилди:
— Ҳа, ака. Сўраганингизни бераман. Фақат аввалги ишимга қайтишимга ёрдам берсангиз бўлди. Ҳозир 2000 доллар бераман. Иш биттадан сўнг яна 2000 доллар қўлима деяверинг.

Бу гапларни эшитиб Х.Раҳмонов ўйла-ниб қолди. Уриниб кўрса бўлади-ку. Эвазига бир икки сўмлик бўлиб қолади.
— Гаплашиб кўрайчи.

Бир зумда ҳожаббарорга айланган Х.Раҳмонов аслида қандай балого йўлиққанини кейин тушуниб етди. У Ю.Намазов ишлаган



Зўравонлар

бўлим вазирилик томонидан тугатилганини, уни ўз ишига тиклаб бўлмаслигини эшит-ган, ҳамма ҳаракатни тўхтатди. Х.Раҳмонов мижозига ишни ҳал қила олмаганини айтиб, пулни қайтариб бермоқчи бўлди. Шундай қилди ҳам. Бироқ, орадан сал ўтиб, мижоз яна ташриф буюрди.
— Мен сизга берган пулни бировдан қарзга, фойза тўлаш шарти билан олган-ман. Пулимни анча вақтгача ушлаб турга-

нингиз учун унинг фоизини сиз тўлайсиз. Ўрни 1 млн. 650 минг сўм берасиз, — деди Ю.Намазов қатъий оҳангда.

Бу гапларни эшитиб Х.Раҳмонов хангу манг бўлиб қолди. «Нега, нима учун мен тўлашим керак?» Х.Раҳмонов Юсуфга ҳеч қандай пул бермаслигини айтди.

Қуруқ қўл билан қайтган Юсуф бу одамдан осонликча пул ундира олмаслигини тушуниб етиб, бошқача йўл тутишга қарор қилди. У таниши О.Маҳмудовнинг ҳузурига борди. Унга мақсадини тушунтириб, ёрдам беришини сўради. Бу таклифга О.Маҳмудов бажонидил рози бўлди. Улар ўзлари тузган режага биноан Х.Раҳмоновнинг уйига боришди. Х.Раҳмонов Ю.Намазовнинг бу сафар шериги билан келганини кўриб

танг аҳволда қолди.
— Мен сизга 10 минг доллар берган-ман. Шунга қайтаринг вақти келди, — деди Юсуф тап тортмасдан.
— Эсингиз жойидами? Қачон мен сиздан шунча пул олган эканман?
— Э, ака, энди тонаясисизми? Мен мафияман. Агар пулни қайтариб берма-сангиз, ўзингизга ёмон соғ-омон бўлсин бўлсин, фарзандларим бола-омон юрсин

десангиз, 10 минг долларни тайёрлаб қўйинг, — дея гапга аралашди О.Маҳмудов.

Х.Раҳмонов ўзини йўқотиб қўяёзди. Бу гаплардан кейин ўша ишга аралашганига минг пушаймон бўлди.

— Менда бизга пул йўқ.
— Унда бизга бир ой ичида 10 минг долларни қайтараман ёки коттеж уйимни сотиб, пулни бераман, деб тилхат ёзиб берасиз, — деди Ю.Намазов пўнса оҳангда.

— Жон керак бўлса айтганимизни қилинг, — деди О.Маҳмудов ҳам кўрқитмоқчи бўлиб.
Х.Раҳмонов иложисиз аҳволга тушиб қолди. Зўравонларнинг айтганини қилиб, тилхат ёзиб беришга мажбур бўлди. Лекин бу муаммонинг ечими эмасди. Улар тилхатни рўқач қилиб Х.Раҳмоновдан пулни қистай-веришди.

Дўқ-пўнисалардан чарчаган Х.Раҳмонов бу одамлардан тинч йўл билан қўтила олмаслигини тушуниб, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга воқеа ҳақида хабар берди. Шундан сўнггина зўравон «мафия»ларнинг фаолиятига ҳеч қўйилди.
Суд Юсуф Намазов ҳамда Озод Маҳмудовларга нисбатан тегишли тартибда жазо тайинлади.

Турғунбой САГАТОВ,
Жиззах шаҳар прокурори

НАФСИГА ЭРК БЕРГАНЛАР

Одатда кўпчилик жиноятлар кишилар нафсларини жиловлай олмаганликлари, шунинг оқибатида эса мезёр ва қонунларни менсимасликлари туфайли келиб чиқади.

Албатта, яхши яшашни орзу қилиш, шунга интилиш жиноят эмас. Аммо бу ҳалол меҳнат ва машаққат талаб қилади. Хом сўт эмган банд эса осон йўлини излайди. Бу эса кўпинча эгри йўл бўлиб чиқади. Дарз кетган виждоннинг қайта тикланиши қийин. Узагини, иймонини унутган кимсалар пул топишнинг ҳар қандай йўлидан тап тортмайдиган бўлиб боришлари шундандир балки. Пулни инсоний қадриятлар, ҳатто инсоннинг ўзидан устун қўювчи кимсалар ҳам борки, фақат қонун қўймағи билан бундайларнинг жиловини тортиш мумкин.

Кейинги пайтларда глобал аҳамият касб этаётган одам савдосидай жирикян жиноятни содир қилаётганлар ҳам шундайлардандир. Бу жиноятни содир қилаётганлар орасида аёлларнинг борлиги янада ачинарлидир.

Озода Исмоилова ана шундай аёллар тоифасига киради. Унинг жиний ҳаракати туфайли жабрланганлардан бири 1980 йилда туғилган Назокат исмли қиз бўлди. Озоданинг ёлгон ваъдаларига, ширин ҳаёт ҳақидаги сафсаталарига лаққа ишонган қиз унга қандай эргашганини билмай қолди. Шу тариха 2004 йилда Озода Исмоиловага эргашиб Хиндистоннинг Деҳли шаҳрига бориб қолди. Бу ерда эса уни фаровон ҳаёт, мўмай даромад эмас, аксинча ғам-алам, азоб-изтироб, қийноқлар кўтиб олди. Хивада пайтида ширин ваъдалар берган, яхши сўзларини аямаган Озода бу ерда кўрқитиш, тажирлаш йўлига ўтди. Қизни фоҳишалик қилишга мажбур этди.

Қингир ишининг қийини қўриқ йилдан кейин ҳам чиқади дейдилар. Ҳўрланганини узок муддат ичига ютиб юришга мажбур бўлган Назокат олиб борилган тарғибот-тушунтириш ишлари натижасида қонун ҳимоячиларига мурожаат қилди.

Тергов-суриштирув жараёнида Озода Исмоилова нафсининг қўлига айланди, унинг ботқоқига буткул ботганилиги маълум бўлди. Бу аёл мўмай даромад илкинжида нафақат одам савдоси, балки гиёҳ-ванд моддалар савдосига ҳам қўл урган экан. У ўзининг вақтинчалик яшаш уйида танишлари Рохат Ганжаева, Мухаббат Ганжаева, Барно Абдуллаева, Шохсанам Абдуллаевага героин гиёҳванд воситаларини истеъмол қилиш ва тарқатиш учун бағичхона ташкил қилгани аниқланди. Унинг уйи кўздан кечирилганда героин қолдиқлари, шприцлар ва 0,83 грамм героин гиёҳванд модда топилди.

Озода Исмоилова суд ҳукми билан тегишли жазага тортилди. Пулни инсон қадридан, шуниндан балеанд қўйганлардан яна бир тоифаси ака-ука Тоҳир ва Ботир Аллабергановлардир. Улар бир-икки эмас, йигирма нафар фуқарони алдов йўли билан ёллаб, ойига 400-500 АҚШ доллари ҳақ беришни ваъда қилиб, Қозғистоннинг Остона шаҳрига олиб борганлар. Амалда эса ўша ердаги «Нурлан», «Зўҳра», «Газиз» исмли ва бошқа номаълум шахсларга «Бериб» юборишган. Шу тариха ака-укалар 20 нафар фуқаронинг пешона тери эвазига ўз қўнтакларини қаппайтирганлар.

Аммо киминдир норози қилиб топилган даромад ҳеч кимга буюрмаганлиги бор ҳақиқат. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ака-ука Аллабергановлар қонун олдида жавоб беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори ҳамда «Одам савдосига қарши курашни тўғрисида» ги Қонун ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан туман прокуратураси томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли чет элларга ишлаш учун кетиб, иш ҳақларини ололмаган, ҳўққлари поймол қилинган кишилар аниқланиб, уларга ҳуқуқий қўмак берилмоқда. Бу йўналишда тadbирлар давом этмоқда.

Ражаббой КАРИМОВ,
Хива туман прокурори

Жаҳл келса ақл кетади, деган гап бекорга айтилмаган экан. Тингинча тижоратчи қилиб рўзгор тебратиб юрган Ориф Жабборов (айрим исм-фамилиялар ўзгариб беришмоқда) нима бўлдию бозор маъмурияти ходими билан гап талашиб қолади. Шунчаки гап талашув муштлашувга айланади. Жаҳлини тиёлмаган О.Жабборов бозор маъмурияти ходимига тан жароҳати етказиб қўйган, жабрланувчи ҳўққ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилди. Жиноят ишчи кўзгатилиб, О.Жабборов эҳтиёт чораси сифатида қармоққа олинди. Бу 2007 йилнинг охири, декабрь ойида бўлган воқеалар. Дез баён қилмоқчи бўлган жиноят тафсилоти бу билан боғлиқ бўлса-да, унинг «қахрамонлари» умуман бошқа одамлар.

Турган гапги, Ориф қамалиб қолганидан сўнг Жабборовлар хонадони аҳлининг ҳаловати йўқолди. Қандай йўл билан бўлса-да Орифин қамқодан чиқариб олиш ҳаракати тушиб қолишди. Қани энди бу ишни дўндирадиган биронта «вал-ломат» топилсаю муаммони ҳал қилиб берса.

О.Жабборов билан

— Лекин ҳамма нарсанинг чораси бор. Мен «катта одамлар»ни ўртга қўйиб бўлсам ишни ҳал қилиб бераман. Фақат ҳаражати бор...

— Ҳаражатини ўйламаган, ишни тинчишиб берсангиз бўлди, — деди хурсандчиликдан ўзини кўярга жой тополмаётган Аҳрор.

Хуллас, Аҳрор қармоққа олинди. У шу кунгича янғаси, яъни акаси Орифин турмуш ўртоғи Назиранинг олди-га бориб, «гаплашадиган одам» топилгани ҳақида сўночи олади. «Ишга катта одамлар аралашди. Худо хоҳлса Янги йилни эрингиз билан бирга кутиб оласиз, кенойи», дейди у.

Назира ҳам хурсанд бўлди, аммо «тўйдан олдин ноғора чалишга» шошилмади. «Ким ўртга тушди, ишончи одамларми ўзи, ҳаражати қанча экан» дея қайинини саволга қўйиб таш-

ринчи марта кўраётган, танимаган-билмаган одамга нақд 5 минг АҚШ долларини кўртдай санаб беради. Аввалига долларларнинг кучига ишониб кўнгли тўқ юрган Назира ҳавотирга тушиб қолади. Ахир бир ой ўтиб кетди. Орифдан эса дарак йўқ. Юригага қўлула тушган Назира «Миша ака», яъни Мамаражаб Шердиловга телефон қилиб, ишнинг натижасини суришти-ра бошлади.

М.Шердилов ҳам анойи эмас, бу-гун-эртага деб уни кўнглини хотир-жам қилиб юриверади.

Бу орада М.Шердилов ва М.Топило-ловлар фирибгарлик йўли билан қўлга қиритган 5000 АҚШ долларини бўлиб олиб, алақачон сарфлаб юборишган эди.

Фирибгарлар Назиранинг норози кайфиятга гапирган гапларини бо-сиқлик билан тинглаб туриб, уни «Оз-гина сабр қилинг. Эрингизга қўйилган 7 та моддадан 4 тасин олдириб таш-ладик-ку, қолганини бизга қўйиб бери-нг» дея алдаб қўя қолишди.

Орифинг терговга яқунланиб суд-га оширилганини, лекин унга ҳеч бир



Икки фирибгар

боғлиқ ишлардан хабар топган Маха-мат Топилов деган йигитнинг ҳам негадир ҳаловати йўқолади. Эҳтимол, эски танишининг тақдирдан ташвиш-ландигир? Афсуски, унинг дарди бошқа экан.

Кимнингдир муаммоси эвазига мўмай пул ишлаб олиш мумкин деб ҳисобловчилар тоифасидан бўлган Махамат Топилов «Миша ака» лақабли эски танишини излаб топади. Сўнг «Миша ака»га, яъни Мамара-жаб Шердиловга вазиятни билгани-ча гапириб беради.

Аслида бу фикр унда қанчон пайдо бўлгани ҳақида бир нарсга дейиш қий-ин, лекин у М.Шердиловнинг олди-дан тилла топган боладай хурсанд бўлиб қайтади.

Шундан кейин у О.Жабборовнинг укаси Аҳрор Жабборовни аврашга ки-рилади. «Бир танишим бор, меласа билан боғлиқ ишлари яхши тушунади. Агар хизматини қочмасангиз, ишни ҳал қилиб беради». Шундоғам қарога бо-шини уриши билмай юрган Аҳрорнинг гапларига чиппа-чин ишонади. Ишон-ганидан шун қўнчи «Миша ака» билан «Флагмен» кафесида кўришади.

лади.
— Беш минг доллар... Менимча кўп сўрашмади, — деди Аҳрор.

— Нима? Бунча пулни қаердан то-памиз? — Назира шундай дейишга де-дийю, лекин тадоригини кўриб қўйган экан. Отасининг шахар чеккасидаги уйига бориб шунча пулни олиб қайтди.

Кенга томон Аҳрор ва Назира ша-хар марказидаги хиббонда М.Топило-лов ва М.Шердиловларга учрашади. На-зира ҳар эҳтимолга қарши М.Шерди-ловдан яна бир бор сўраб олди:

— Ишонсак бўладими, эрим ке-силиб кетмайдими?

— Мен Аҳрорбекка тушунтириб айтдим, бугун танишларим орқали иш бўйича керакли маълумотларни ол-дим. Жабрланувчи уч кишини ёзиб берган, энг биринчи қиладиган иш-ми қолган икки кишини ўртадан чиқа-риб юборишимиз керак. Шунда эрин-гизнинг иши енгиллашади. Орифбек-ни иложи бўлса тергов вақтида, бўлма-са судда жарима билан чиқариб ола-симиз, — деди салмоқлаб М.Шердилов.

— Пулни олиб келганман, кимга беришим керак? — деди Назира гўё муштумзўри эри эртагаёқ уйига кириб келадигандай.

— Бу кишига берасиз, — деди М.Топилов машинанинг олд ўринди-гида ўтирган М.Шердиловга ишора қилиб.

енглик бўлмаётганини сезган На-зира М.Шердилов билан юзма юз гаплашиб олишга қарор қилади. Унга Орифининг укаси ҳам ҳамроҳ бўлади. Бу сафар Назира фирибгарларнинг чўп-чаларига қўлиқ солиб ўтирмайди. Пулни қайтармаса тегишли органга мурожаат қилишини айтиб, уларни огоҳлантирган бўлади.

Ана шунда фирибгарлар М.Топи-лов ва М.Шердиловлар ҳақиқий ба-шарасини кўрсатишади:

— Барибор ҳеч нарсасга эришол-майсиз. Қайтага ўзингизга муаммо орттирасиз, — дейди М.Шердилов.

Ашаддй фирибгарларга «чў туш-ганини тушунаган аёл нима қиларини билмай қолади. Бир қарорга келгунга қадар орадан тўртга иккида Ориф-нинг суди яқунланиб, суд ҳукми би-лан у олти йилга озодликдан маҳрум этилади.

Шундан сўнг бир тўхтамга келган аёл ҳўққ-тартибот органига ариза билан мурожаат этади.

Икки фирибгар — Махамат Топи-лов ва Мамаражаб Шердиловлар ЖКНинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ҳамда жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди-нинг ҳукми билан тегишли жаозасини олишди.

Ҳамид АКРАМОВ,
Тошкент шаҳар АМИБ катта
терговчиси

ТҶЙХАТ ҶРНИДА

Табаррук ёшингиз муборак бўлсин!



Инсон ҳаётини номаълум манзил сари отланган йўловчи ҳолатига киришса мумкин. Бу йўл уни шарафга элтидими ёки акинча, буни ҳеч ким айти олмайд. Ҳаёт шуниси билан қизиқ, шуниси билан мафтункор. Одамзот касби ва меҳнати билан обрўга, ақл-заковат ва феъл-атвори билан эътиборга эришади.

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ҳаёт йўлларини шунчаки босиб ўтиш учун эмас, балки олдида қўйган эзгу мақсадлари, орзуларини рўёбга чиқариш учун яшайдилар. Бундайлар эл назарига тушади, ҳурматини қозонади.

Ана шундай инсонлардан бири прокуратура фахрийси Тамара Шипилова шу кулларида табаррук 70 ёшга кириш оломқда.

Тамара Шипилова прокуратура органларидаги 25 йилдан ортиқ иш

фаолияти давомида Сирдарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Гулистон шаҳар прокурорининг ўринбосари, Сирдарё вилоят прокурорининг ташкилий назорат ва таҳлилот масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимларида масъулият билан хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Сирдарё вилоятида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мухтаҳамлаш ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ўз хис-

сасини қўшди.

Меҳнат фаолияти давомида адолатпарварлиги, ҳушфёъллиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Тамара опанинг фидокорона меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Шундай шодиёна кунда Тамара опага оилавий тотувлик, сихат-саломатлик, хонадонига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат доимо ёр бўлишини тилаб қўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

Миллионер топилди

16 февралда дом-даракисиз кетган деб хабар тарқатилган миллионер Питер Лэмпл соғ-саломат топилди. Маълум бўлишича, Лондон марказида Питер Лэмплининг олди-га бир аёл келиб, уни йўқолганлиги тўғрисида газетада чоп этилган мақолани кўрсатган. Бизнесмен дарҳол ўзининг матбуот котиби билан боғланиб, бу масалага оидинлик киритишни сўраган. Ўз навбатида котиб тахририятга телефон орқали миллионер топилганлигини маълум қилган.



Таъкидлаш жоизки, сўнгги икки кун ичида британия оммавий ахборот воситаларида ўзининг ҳомиийлик фаолияти билан ном чиқарган 61 ёшли миллионернинг йўқолиб қолганлиги ҳақида қўллаб хабарлар чоп этилган. «The Times» тазтасида ёзилишича, Лэмпл тез-тез депрессияга тушиб турган ва доимий равишда антидепрессантларни истеъмол қилиб юрган. Маълумки, айрим ҳолатларда депрессияга учраган киши вақт ва жой тушунчасини унутиб қўяди.

БАНКИР ҲИБСА ОЛИНДИ

«Morgan Stanley» америка инвестицион банкининг вице-президенти кичик Ричард Гаравента 2,5 млн. АҚШ долларини ўзлаштирилганга айланмоқда. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, Гаравента кўрсатилган суммани 2001 йилнинг 5 сентябидан 2008 йил 24 ноябрга қадар бўлган вақт мобайнида ўзи томонидан ташкил этилган компания фойдасига чеклар ёзиш йўли билан талон-торож қилган экан. Ўзлаштирилган пуллари у қимматбаҳо автомашиналар, заргарлик буюмлари сотиб олишга ва саёхатларга сарфлаган. Бирок, Гаравента ўзига қўйилган барча айбловларни инкор этмоқда.

«Morgan Stanley» вакилининг таъкидлашича, 2008 йилнинг декабрида фирибгарлик фош этилиши биланок

Гаравента ишдан бўшатилган.

Мазкур иш юзасидан биринчи суд мажлиси шу йилнинг 4 март кунини бўлиб ўтиши кутилмоқда. Агар унинг айби исботланса, Гаравента 25 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Эслатиш жоизки, «Morgan Stanley» молиявий инқироздан катта зарар кўрган Американинг биринчи навбатдаги инвестицион банкирдандир. 2008 йилнинг сентябри охирида банкротликдан қутилиб қолиш мақсадида банк ўз мақомини ўзгартирди ва банклар гуруҳига айланди. Шундай қилиб, аввалроқ холдинга айланиб улгурган «Goldman Sachs» билан биргаликда «Morgan Stanley» АҚШдаги охириги мустақил инвестицион банк сифатида ўз фаолиятини тўхтатди.



Туман прокуратураси жазоланди

таъминлай олмаган туман прокуратураси ҳодимларини жазолади. Бу ҳақда Бош прокурор 18 февралда чоп этилган «Российская газета»га берган интервьюсида таъкидлаб ўтди.

Чайқанинг фикрича, туман прокурори ёнғиндан хавфли бўлган қариялар уйини ёпиш масаласини юқори турувчи прокурор эътиборига ҳавола этганида, юқори турувчи прокурор губернаторга мурожаат қилиб, ушбу муаммони ечиш масаласини муҳокама қилган бўлар эди. Бирок, амалда бундай бўлмаган.

— Улар муаммони ечимсиз қолдирмаслиги керак эди, — дейди ўз интервьюсида Бош прокурор.

— Шу сабабли мен туман прокуратурасининг барча ҳодимларини жазоладим.

Лекин, уларга қандай жазо берилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

Шу билан бирга, Чайка Коми прокуратураси томонидан Подбельск қишлоғида қариялар уйи бўйича беш марта тақдимома киритган. Уларнинг барчасида техника хавфсизлиги қондаларига риоя этилмаётганлиги кўрсатилган. Икки мартаба муассасанинг юридик мақоми йўқлиги хусусида савол кўтарилган бўлса-да, бироқ кўтарилган масалалар очкидиганча қилиб кетган.

Маълумки, 31 январда рўй берган фожеада 23 киши қурбон бўлган. Шундан сўнг, Россия Президенти Дмитрий Медведев ҳукуматга, прокуратурага ва федерал ҳудудлардаги президент вакилларига шу йилнинг 6 мартга қадар мамлакатдаги барча қариялар уйлари ва шунга ўхшаш муассасаларда ёнғин ҳақда техника хавфсизлиги аҳолини ўрганиб чиқиш тўғрисида топширик берди.



Фаолияти тақиқланди

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Испания суди судьяси Бальтасар Гарсон уч йилга басқларнинг икки радикал партиялари — «Демократия 3000000» ва «Аскадасуна»-ларнинг Испания ҳудудида сиёсий фаолиятини тақиқлаган. Зарурият туғилса бу мuddат 5 йилгача амал қилиши мумкин.

2009 йилнинг 8 февраль кунини мазкур партиялар Басқлар мамлакатига ўтказилган ҳудудий сайловларга киритилмаган. «Демократия

3000000» ва «Аскадасуна» партиялари ETA террористик ташкилоти ва унинг сиёсий қаноти бўлиши «Батасуна» партияси билан алоқадорликда гумон қилинган. Маълумки, «Батасуна»нинг фаолияти 2003 йилда тақиқланганди.

2008 йилда Испанияда шунга ўхшаш ҳолат юз берганди. Ушанда суд басқларнинг РСТV ҳамда ANV партияларини ҳудудий сайловлардан четлаштирган. Улар ҳам ETA ва «Батасуна» билан алоқадорликда гумон қилингандилар. Маълумотларда кўрсатилишича, басқларнинг радикал партияларини Басқлар мамлакатини аҳолисининг 10 фоизи қўллаб-қувватлайди.



Ҳарбий контингент кўпайтирилади

Сешанба кунини АҚШ Президенти Барак Обама АҚШнинг Афғонистонда жойлашган ҳарбий контингентини кўпайтириш тўғрисида фармойиш чиқарди. Режага мувофиқ, яқин олти ой ичида Афғонистонга қўшимча яна 17 миң ҳарбий сафарбар этилади. Дастлаб 8 миңга денгиз пйедалари, кейинроқ яна 9 миңга ҳарбий.

«BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳозирда Афғонистонда 33 миң нафар америкалик ҳарбий хизмат қилмоқда. Аввалроқ, ҳарбийлар Афғонистондаги контингентини яна 30 миң кишига кўпайтиришни сўраганди.

Ўзининг сайлов олди компаниясида Барак Обама Жорж Буш маъмурияти Ироқ масаласида ўралашиб қолиб, Афғонистондаги вазиятга эътибор бермай қўйганлигини бир неча мартаба таъкидлаган эди. Афғонистондаги АҚШ контингентини кўпайтириш режаси тўғрисида Обама президентлик курсисига ўтиргандан сўнг ўртоқлашди.

Ёрдам беришга ошиқиб...

Польшанинг Легница-Вроцлав йулида рўй берган йўл транспорт ҳодисасига шошиланган тиббий ёрдам вертолети ҳалокатга учради. «Wladomosci» ахборот агентлигининг хабар беришича, вертолёт қулаши натижасида икки нафар кўтқарувчи ҳалок бўлган. Экипажнинг учинчи аъзоси — шифокор оғир тан жароҳатлари билан маҳаллий шифохонага келтирилган.

Вертолёт ҳомилалар аёлга биринчи ёрдам кўрсатиш учун йўл транспорт ҳодисасида юз берган жойга учиб кетаётган бўлган. Легница-Вроцлав трассасида қалин туман тушганлиги сабабли 10 та автомашинани бир-бири билан тўқнашиб кетган. Йўл транспорт ҳодисасида 9 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Авария туфайли трассасида жуда катта тикчилик вужудга келган.

Бомбалар ўғирланди

Ҳазо секторидида жойлашган омборхонадан бир неча тонна портламай қолган қурол-аслаҳалар ўғирлаб кетилган. Улар исроилликлар томонидан «Куйма кўрғошин» операцияси ўтказилаётганда сектор ҳудудига ташланганди.

Ўғирланган қурол-аслаҳалар асосан авиабомбалар ва фосфорли бомбалардир. Исроил вакиллари портловчи моддаларнинг ўғирланишида «Хамас» ташкилоти раҳбариятини айбламқода. Чунки, айнан шу таши-

лот полициячилари мазкур омборхонани кўриқлашганди.

Бу ерда сақланган бомбалар исроилликларнинг ҳарбий операцияси туғайи биланок Ҳазо секторидида фаолият кўрсатаётган БМТ мутахассислари томонидан зарарсизлантирилиши лозим эди. 2 февраль кунини сапёрлар 7 тонна портловчи моддалар сақланаётган (уларнинг ичида учта 900 килограмм бомба ва вази 200 килограммдан ортиқ бўлмаган саккизта бомба) омборхонага кириш рух-



сатини олишган. БМТ ҳодимлари мазкур аслаҳаларнинг асарият қисми йўқолганлигини тасдиқлашди, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги.



Адвокат айбдор деб топилди

Италия бош вазири Сильвио Берлусконининг собиқ адвокати — британиялик Дэвид Миллз коррупцияда ва сохта кўрсатма берганлигида айбдор деб топилди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, терговчи Миллз 1990 йиллар охирида Сильвио Берлускони устидан олиб борилган

суд жараёнларида сохта кўрсатмалар берганлигини исботлай олганлар.

Ушанда Италия бош вазири коррупцияда гумон қилинган, лекин асарият ҳолатларда Миллзнинг сохта кўрсатмалари ўлароқ оқланган. Маълумотларда айтилишича, судда берган ёнғон кўрсатмалари учун Миллз 600 миң доллар миқдоридида пул олган. Миллзнинг ўзи бошиданок, буни инкор этди. Дастлаб у бу пуллари Берлусконидан унинг ишини муваффақиятли удрдалгани учун мукофот сифатида олганини айтган. Кейинчалик эса, Миллз бу пуллари Италия

кема ишлаб чиқарувчиси Диего Аттанасиодан олганлигини таъкидлаган.

Миллзга пора берганлигини Сильвио Берлусконининг ўзи ҳам рад этаёлти. Бош вазир мазкур ишга жалб қилинмаган, чунки у лавозимига кўра дахлсизлик имунитетига эга. Қайд этиш жоизки, Миллз, Берлускони ва яна бир нечта кишининг бошқа хижоат ишларида ҳам номлари чиқиб қолган. Италия бош вазири ва унинг собиқ адвокати америка фильмларига муаллифлик ҳуқуқини олишга алоқадор фирибгарликларда ҳам гумон қилинмоқда.



Террорга даъват қилувчилар ҳибсда

17 февраль кунини Испания полицияси гранадалик 23 ёшли аскар Песо Руис Коэльо ва Санкт-петербурглик 23 ёшли Мария Чубинани ҳибсга олди. Маълум бўлишича, улар биргаликда, интернетга Испания ҳудудида террорчилик ҳаракатларини содир этишга даъват этувчи 11 та ролик жойлаштиришган. Бундан ташқари, улар интернет орқали турли террористик ташкилотларга аъзо бўлган 200 га яқин киши билан муносабатда бўлганлар. Тергов ҳаракатлари 2008 йилнинг июнида бошланганди, ушанда илк бор полициячилар экстремистик руҳдаги роликларни қўриб қолишган, деб хабар қилади «CNN» телекомпанияси.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРДОВ тайёрлади

ПОЕЗД «ИШҚИБОЗЛАРИ»

Темир йўлларнинг ривожланиб бориши вокзал ўғриларида тортиб, поездларга боқсинчилик қилувчи қуролланган қароқчилар сонининг кўпайиб кетишига олиб келди. Шундай бўлса-да, бу борадаги ўғирлик ва боқсинчиликлар ҳар доим ҳам катта маблағ келтирмасди.

Поезд билан боғлиқ энг катта ўғирлик 1855 йилда амалга оширилган. Ушанда Англиянинг учта катта компанияларининг олтин кўмили ва тангалар тўлдирилган яшиқлари поездларга ортилиб, Парижга жўнатилган. Олтинларнинг умумий қиймати 12 минг фунт стерлингга (ҳозирдаги 18 млн. фунт стерлингга тенг) ташкил қилган. Юк йўли бўйи қўриқлаб борилган. Бироқ Парижга етиб келган яшиқлар очиб қўрилганда уларнинг бирида олтин кўмилари ўрнига темир бўлақлари солинганлиги аниқланди.

Уша йилнинг август ойида Англия полицияси Эдвард Агар исми майда фирибгарни қўлга олади. Қўтилаётган жазони энгиллаштиришни қўзғалган Эдвард қўтилмаганда поезддаги «буқ олтин ўғирлиги» ҳақида ҳам маълумот беришини айтади.

Мазкур ўғирликдан бир неча йил аввал Эдвард «олтин поезд» ўғирлигини орзу қилиб юрган темир йўли хизматчиси Уилям Пирс билан танишиб қолади. Пирс ўз тўдасига

ТИРИК «МАРҲУМ»

Адам Уорт Пруссиядан АҚШга кўчиб келган камбағал яқудий оила-сида туғилган. Америкалик Адам Уортни полициячилар жиноят оламини-нинг «Наполеони» деб аташган. Еш-лик даврида шимолий қўшнлар тар-кибиди хизмат қилган Уорт сержант-лик унвонига кўтарилди. Яралан-гани боис госпиталга келтирилган Уорт ҳужжатларда уни ўлган, деб ҳисоблашганини билиб қолади. Бун-дан ўзича қулоса чиқариб, ўзининг жиноий фаолиятини бошлаб юбора-

бундай «ишлар»да тажрибасизлиги оқибатида режа амалга ошмай қола-ди ва кексайиб бораётган Уорт қўлга тушади. Англия ўғриларининг «қиро-ли» 7 йилга озодликдан маҳрум қили-ниб, бельгия қамқонхонасига жойлаш-тирилади. Бироқ, яқши ҳулқи туфайли 1897 йилда озодликка чиқди.

1902 йилда вафот этган Уорт қариндошларига унча катта бўлма-ган мерос қолдирди. Вафотидан сал олдинроқ у севимли асари Де-воншир герцоғининг расмини ҳақиқий эгаларига 25 минг доллар

содида ишлатилган экан.

ОМАД ҲАМ УЛАРГА ҚАРШИ

XX асрнинг ярмига келиб милли-он қийматига тенг маблағларни ўғир-лаш катта қийинчиликни талаб қилар-ди. Сабаби ҳуқуқни муҳофаза қилув-чи орган ходимларининг профессио-наллиги ошиб, уларнинг техник ба-заси ҳам анча ривожланиб кетган эди. Банкларни қўриқлашда элект-

лади. Бироқ ватанига келиши бил-ан у қамқоққа олинади.

Жазирда парашютчилар тарки-бида хизматни ўтаган Альберт Спа-жияри ҳам ўз исмини жиноят олами-да муҳрлаган шахслардан ҳисобла-нади. Француз миллатчилари ҳарака-тида фаол иштирок этганидан сўнг, Альберт Ниццда кун кечира бошлай-ди. У ерда очган суратхонасида қонун-ий иш юритишдан зерикади. Ниццда-даги «Societe Generale» банки бўлин-масининг ер ости пул омбори канали-зация шахтаси яқинида жойлашган-лигини билган Альбертнинг тинчи бў-зилди. Соёқ парашютчи Жазир уруши фахрийлари, яъни эски таниш-ларини йиғиб, тўда тузади ва ер ости йўлигини кавлашга киришади. Собиқ жангчилар жиноятларини ҳам худди диверсион уруш пайтидагадмай олиб боришади. Иш пайтида улар жисмон-ий ҳолатни сақлаш мақсадида сига-рет, алкогол ва кофеин умуман исте-мол қилишмайди. Ниҳоят, 1976 йилнинг 16 июлида жиноятчилар ер-остидан банк омборхонасига етиб боришади ва у ерда ҳақиқий байрам қилишади. Банк омборхонасидаги 400 дан ортиқ сақлаш қутилари бўшатил-ганидан сўнг, ўғриллар деворга «На-фратсиз, зўрласиз, қуролсиз» де-ган ёзувларни қолдиришади. Ушбу тўда ҳам сотқинлик туфайли таназ-зулга учрайди. Тўда аъзоларидан би-рининг жазмини уни ташлаб кетган йиғитидан ўш олиш мақсадида поли-



ҚўЛГА ТУШАР ҚАРОҚЧИЛАР

қимматли юкларни кузатиб борувчи қўриқчи Жеймс Бержес ва станция назоратчиси Уилям Тестерни ҳам жалб этади. Шу пайт тўдага омад кулиб боқди. Қўтилмаганда Тестер юкларнинг хавфсизлиги назоратчи-си лавозимига кўтарилди. Лавози-мини суистеъмол қилган Тестер қимматбаҳо юклар солинадиган сей-фларнинг қалитини Эдвардга бе-риб туради. Қисқа вақт ичида қалит-ларнинг нусхалари ясалди. Олтин-лар олиб кетиладиган кунда олдин-дан режалаштирилгандай Тестер-нинг топшириғига биноан Бержес навбатчилик қилади. Эдвард ва Пирс эса оддий йўловчилар сифатида айнан ўша поездда йўлга тушади-лар. Қолгани ҳамирдан қил суғу-рандай осон кенди. Бержес Пирс ва Тестерни юк вагонига олиб ўтиб, биргаллик сейфдаги олтинларни темир бўлақларига алмаштириб қўйишади.

Ўғирланган олтинларнинг бир қисми сотиб юборилган эди. Кей-инроқ тўданинг барча аъзолари қўлга олинди. Ҳамтовоқларини уш-лашга ёрдам берган Эдвардгина қамқоқ жазодан қутулиб қолди.

Поездларда боқсинчилик ва ўғирликларни амалга оширувчи бошқа тўдаларнинг қўлга олиниши-да ҳам кўпичина тўдадаги бир киши-нинг полицияга «гуллаб» қўйиши сабаб бўлган.

Қароқчи тўдалар қўллаб поезд-ларга боқсинчилик қилишган бўлса-да, уларнинг орасидан бойиб кет-ганларини топиш қийин. Бу каби тўдаларнинг қисқа даврда таназ-зулга учрашларининг сабабларидан бири, поездга боқсинчиликни амалга ошириш учун кўпчилик ке-рак бўларди, кўпчилик орасидан эса сотқинлар ҳам кўпроқ топиларди.

бирини кўз остига олади. 1869 йилда шериклари билан банклардан бири-нинг тагига ер остидан йўлак қазиб, банк омборларини шип-шийдикла-ди. Европага кўчиб ўтган Уорт 1871 йилда Парижга «Американ бар» номли ресторан очди. Рестораннинг би-ринчи қаватида мижозлар учун ўрин-диқлар жойлаштирилган бўлса, ик-кинчи қаватда яшириш казино фа-олият кўрсатарди. Яширин казинодан полициячилар хабар топган, «тад-биркор» тезда Лондонга кўчиб ўта-ди.

Лондондаги жиноий фаолиятнинг кўлами янада кенгайди. Уорт ҳақиқий жиноят тизимини ташкил қилиб, йи-рик ўғри, фирибгар ва боқсинчилар-ни бирлаштиради.

Ҳашаматли ҳаётини бўшаган пайтларида Уорт ўғирликлар, боқ-синчиликлар ва қалбаки чеклар иш-лаб чиқариш каби жиноятларни ре-жалаштириш билан шугулланади. Баъзи вақтлар унинг ўзи ҳам ўғир-ликлар содир қилиб турарди. Машҳур расом Гейнсборонинг мўйқаламига мансуб Девоншир герцоғининг расмини янада Уортнинг ўзи ўғирлай-ди. Айтишларича, жиноятчи ушбу расмни жуда ёқтирган, шунинг учун ҳам уни сотишни ўйламаган. Кейинроқ Уорт Жанубий Африкага сафарга бориб, у ердан бир жамадон ўғирланган ол-мослар билан қайтади.

Уорт XX асрда машҳур бўлиб кетган мафиянинг «қўқинтирган ота-ларига» ўхшаб кетарди. Полиция барча йирик жиноятларда унинг қўли борлигини билис-да, лекин буни ис-ботлашга оҳиз эди.

Охир оқибат жиноят оламини-нинг «Наполеони» ҳатога йўл қўйди. 1892 йилда Бельгияга ташрифи чоғида Уорт маҳаллий жиноятчилардан ташкил топган тўда билан почта аравасига ҳужум қилишади. Тўда аъзоларининг

эвасига қайтариб беради. Ушбу ишда Пинкертон агентлиги ходимлари во-ситачилик қилишган.

ОММА «ҚАҲРАМОНЛАРИ»

Яна бир машҳур қароқчи Уилли Саттондан нега банкларга ўғирликка боришини сўрашганида, «сабаби у ерда пул сақланади» деган содда жавобни беради. Саттон даярли доим қуролланган бўлишига қара-масдан бировни ярадор қилиб қўймаслик мақсадида қуролни ўқла-масди. У жиноятларида ақл-зако-ватни ишлатиш тарафдори эди.

«Саттон қўлга-қўндузи бродвей-даги заргарлик дўконига ўзини теле-грамма олиб келган почтани деб таништириб, ўғирлик содир қилишга муяссар бўлган. Саттоннинг асосий усули полиция офицери, почтани ва таъмирловчи сифатида банкларга ва дўконларга ташриф буюриб, жиноят-тини амалга ошириш бўлган» (ФБР ҳужжатларидан).

Тез-тез полиция қўлига тушади-ган Саттон 1931 йилда 30 йилга қамалди. Бироқ жазонинг биринчи йилидаёқ қамқондан қочишга муяссар бўлди. Саттон узок «фаолият» да-вомида 100 та банкни ўмариб, жами 2 млн. долларни ўғирлаган.

Саттоннинг яна қўлга олиниши-да оддий тасодиф сабаб бўлган. Уни метрода ўзини ҳаваскор детек-тив деб ҳисобловчи Арнольд Шус-тер таниб қолади ва полицияга ха-бар беради.

Озодликка чиққан Саттон асосий вақтини хотираларини ёзиб билан ўтказарди. Ушбу хотираларида ай-тишича, банкларни ўғирлаш билан боғ-лиқ бўлган тўбан изоҳлари аслида унга тегишли бўлмай, балки у ҳақида материал тайёрлаган журналист то-монидан мақолани кучайтириш мақ-

рон кодли сейфлар, сигнализация-лар қўлланила бошланди. Инкасса-торлар эса махсус жиҳозланган ма-шиналарда юришарди. Режани амал-га ошириш учун фақат оқ ишлатиш-ча ишонган ўғрилларда заррача имко-ният йўқ эди. Бу борада яна ўша ақл-заковатни ва айёрликни қўллаб бил-ган жиноятчиларнинг ошиги олчи була бошлади. Бу даврда машҳур йўна-лишда бир неча катта жиноятлар содир этиб улгурган баъзи жиноят-чилар қўлга олинмаган эди.

1963 йилнинг 9 августига Буюк Британияда Брюс Рейнолдс тўдаси битта ҳам ўқ узмасдан почта та-шувчи поезддан 2,6 млн. фунт стер-линг (ҳозирда 80 млн. долларга тенг) пулни ўғирлашга муяссар бўлишган. Жиноятчилар семафор устида бироз «иш олиб» бориб, поезд яқинлашганида яшил чирок ўрнига қизилни ёқишади. Поезд тўхтаганидан сўнг эса... Рейнолдс тўдасидаги бир киши озгина бўлиш қилгани боис жиноятчилар қўлга олинди. Биргина «уддабурон» Рей-нолдс ўғирланган маблағнинг бир қисми билан исзис йўқолишга ул-гурди.

Мазкур тўданинг бошлиғи 1969 йилга келиб қўлга тушади ва 10 йилга қамалди. Қамқондан чиққа-нидан сўнг у Саттон сингари хоти-раларини ёзиш билан шугуллана-ди. Тўданинг яна бир аъзоси Ронни Биггс эса жазони ўташнинг бирин-чи йилларидаёқ 1965 йилда қамқон-дан қочишга муяссар бўлади ва ўғирланган маблағларини олиб Бразилияга қочади. У Бразилияда Очиткага ўшади, сабаби бу давлат Бразилияга жиноятчиларни бермас-ди. Биггс ҳаётининг сўнгги кунла-рини ватанида ўтказиш мақсадида 2001 йилда Британияга қайтиб ке-

цияга унинг кирдиқорлари ҳақида ха-бар беради. Тез орада қўлга олинган тўда аъзоси «гуллаб» бошлайди. Тўда устидан олиб борилаётган суд маж-лиси пайтида Спажияри ўзини дера-задан ташлайди. Иккинчи қаватдан саркаган собиқ парашютчи бино ол-дида турган машина томига тушади ва номаълум шахс томонидан қайтаб келинган мотороллерда қочиб кети-шга муяссар бўлади.

Миш-мишларга қараганда ке-йинчалик Спажияри томини пачоқ қилган машина эгасига 5 минг франк пул жўнатган эмиш. Жиноий фа-олиятдан катта маблағ ортирган Спажияри учун бу сумма «карнай-чанд билан бир пуф», деган гап эди ҳоло. Моҳир ўғри умрининг охири-га Аргентинада яшади. 1989 йил-да вафот этганидан сўнг уни яқин дўстларидан бири ватанига олиб келиб дафн этади.

Спажиярининг ўша ўғирлиги банкдан тўғридан-тўғри амалга оширилган сўнгги энг катта ўғри-лик ҳисобланади. Бундан катта сум-маларнинг ўғирлиги хажерлар то-монидан маблағни бошқа ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан амалга оширилган.

Компьютерлаштириш даврида-ги миллионларнинг ўғирланиши тез-тез содир этилиб турса-да жиноят-чиларнинг аксарияти қисқа вақт ичи-да темир панжара ортидан жой олганлар.

Замонавий компьютер ўғирлари (хажерлар) ҳам кўпичина ўтмишдаги «сафдошлари» сингари қўлга туш-ганлар. Баъзилари тўбанлиги ва хасилиғи, бошқалари ҳамтовоқ-лари сотқинлиги туфайли таназ-зулга учраган. Яна бошқаларига эса омад кулиб боқмаган.

ТЕМУРБЕК тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta
To'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OFIYOV, Bahriiddin VALIYEV,
Baxtiyor NAZOROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXOJAYEV, Fazil MAMASHARIPOV (max il ko'hib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilib shart. Tqurat shahriyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma №—155, 29 457 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va zahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musaahhi: A.MUSTAFAEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxida
Gazeta «Sharq» NMAK boshqaruvida nashr usulida chop etiladi. Korxonaning muharriri: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Boshqaruvi: Tashkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Boshqaruvi: Tashkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Boshqaruvi: Tashkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.